
АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Аҳолини рўйхатга олишни бошқаришнинг қатъий марказлаштирилиши ушбу тадбирни муваффақиятли ўтказишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Мазкур тадбирни ўтказишнинг мунтазамлиги ҳам алоҳида аҳамият касб этади. БМТ тавсияларига кўра, аҳолини рўйхатга олиш 10 йилда камида бир мартаба ўтказилиши белгиланган. Аҳолини рўйхатга олиш махсус тайёрланган мутахассислар - ҳисобчилар томонидан ўтказилади. Ушбу тадбирни тез ва намунали амалга ошириш учун кўп миқдорда махсус ходимлар ёлланади. Улар таркибига зиёлилар, талабалар ҳам киритилиши мумкин. Аҳолини рўйхатга олишни аниқ бир муддатда ўтказиш ҳам жуда муҳим. Одатда мазкур тадбирни амалга ошириш учун 10-12 кун талаб этилади. Аҳолини рўйхатга олиш бир неча кун давомида ўтказилса ҳам, маълумотлар аниқ бир вақтда - кўпинча аҳолини рўйхатга олишнинг биринчи кунининг 00-00 соатдаги ҳолати бўйича қайд этилади. Бу аҳолини рўйхатга олишнинг нозик вақти, деб ҳам аталади.

2022-03-09 10:42:54